

Бахтсиз чеҳралар



14:40 / 01.05.2019 4691

Ўшал Кунда бир чеҳралар қўрқувчидир...

Бу чеҳралар бу дунёда куфр, ширк, нифоқ, гуноҳ ва исён билан ўтган кимсаларнинг чеҳраларидир. Уларга дўзахга тушишлари аён бўлганидан кейин қўрқинчга тўладилар.

«Ғошия» Ишловчидир, чарчовчидир.

Ҳа, улар охирабда оғир ишларни бажарадилар. Улар дўзахда ўзлари боғланган кишан ва занжирларни кўтариб юриб, дўзахнинг паст-баландларига тушиб-чикиб, оловларга кириб юриб, иш бажарадилар ва ниҳоятда чарчайдилар.

«Ғошия» Ўта қизиган ўтга кириб, куядир.

Дўзахнинг олови дўзахийларнинг киришлари учун ўта қиздириб қўйилган бўлади. Ҳазрати Ибн Аббос розияллоҳу анҳу васф қилишларича, «У роса қиздирилиб, Аллоҳнинг душманларига ғазаби қайнаб турган...» бўлади. Бу дунёда кофирлик, фосиқлик, осийлик, айшу ишрат ва ҳаром-хариш билан ўтганлар охиратда ана шундай жойга кирадилар. Аммо уларнинг азоб-уқубатлари бу билан тугал бўлиб қолмайди. Уларни ҳамма томондан азоб-уқубат ўраб олган бўлади. Ҳаттоки жаҳаннам оловида қизиб, чанқасалар,

«Ғошия» **Қайнаб турган булоқдан суғориладилар.**

У булоқнинг суви қайнашнинг охирги нуқтасига етган бўлади. Қандай ҳам қаттиқ азоб-а?! Ўзи қаттиқ қиздирилган дўзахда ёниб, жизғанақ бўлиб турса-ю, ўта қаттиқ чанқаб, бирор хўплам совуқ сувга зор бўлиб турганда, суви ўта қайноқ бўлган булоқнинг суви ила суғорилса... Бу устидан ёниб турган одамни ичидан ҳам куйдиришдир.

Энди сув ичган одам таом ҳам ейиши керак бўлади. Аҳли жаҳаннамга қандай таом бор экан?

«Ғошия» **Уларга тикандан бошқа таом йўқдир.**

Ўша жаҳаннамийларга бериладиган таом – тикан махсус тикандир. Тиканнинг «шибриқ» номли навидир. У энг ёмон, энг ифлос ва энг ёқимсиз таомдир. Демак, жаҳаннамий кимса оловда куйиб, жизғанақ бўлиб, ўта қайноқ булоқнинг сувидан ичиб, ички аъзолари ҳилвираб турганда, тиканни таом ўрнида ер экан. У тикан ўзи теккан ерни шилиб, титиб ўтиши муқаррар. Шу билан бирга...

«Ғошия» **У на семиртирмас ва на очликни кетказмас.**

Демак, у фақат жаҳаннамдаги нобакорни азоблаш учун берилади. Улар ўта оч қолганларидан, ўша тиканни таом ўрнида ейишга мажбур бўладилар. Шундай қилиб, ўта чанқаганларидан, қайнашнинг юқори нуқтасига етган сувни ичиб, ўта оч қолганларидан, тиканни еб, абадий «мазза» қилиб юраверадилар.

Келаси ояти каримадан жаннат аҳлининг васфига ўтилади. Азоб-уқубат билан ёнма-ён роҳат-фароғат зикр қилинса, қадри яна ҳам ортади. Бу усул ҳам Қуръони Каримнинг ўзига хос хусусиятларидандир.

"Тафсири Ҳилол" китобидан

